


Агар ғанимга етказилган ушбу етти зарбадан кейин ҳам ғалабага эришилмаса, у вақтда баронғорнинг ҳировулини ва жавонғорнинг ҳировулини жангга юборсин, (бу билан) ғанимга тўққиз зарба урилган бўлади. Агар тўққиз зарбадан кейин ҳам фатҳу зафар муяссар бўлмаса, баронғорнинг биринчи фавжи ва жавонғорнинг иккинчи фавжини урушга солсин. Агар шу ўн бир зарбадан кейин ҳам ғалабанинг дараги бўлмаса, баронғорнинг иккинчи фавжи ва жавонғорнинг биринчи фавжини жангга ташласин. Шу ўн уч зарбадан кейин душманнинг сипоҳий фавжлари енгилиб, ғалабага эришилади, деб умид қилса бўлади. Мабодо бу ўн уч зарба билан ҳам фатҳу зафар ҳосил бўлмаса, у ҳолда қўл сипоҳий фавжларини урушга шайлаб, ўзи ҳам улар билан жангга равона бўлсин ва душман кўзига ўзини тоғдек кўрсатиб, аста-секин, туташган ҳолда ҳаракат қилсин. Уруш баҳодирларига буюрсинким, қиличларини яланғочлаб ҳужум қилсинлар. Ўқчилар эса визиллатиб ёйлардан қалин ўқ ёғдирсинлар. Шунда ҳам фатҳу зафарга эришилмаса, сардорнинг ўзи жанг майдонига тушсин ва менинг (мадад кучларим) ва буйруқларимни кутсин.

**ҲИРОВУЛ**
Шиқовул хировул фавжи
Шиқовулнинг биринчи фавжи
Шиқолувнинг иккинчи фавжи
Шиқовул
Жавонғорнинг ҳировули фавжи
Жавонғорнинг биринчи фавжи
Жавонғорнинг иккинчи фавжи
Жавонғор
Чоповул хировули фавжи
Чоповулнинг биринчи фавжи
Чоповулнинг иккинчиси фавжи
Чоповул
Баронғорнинг хировули фавжи
Баронғорнинг биринчи фавжи
Баронғорнинг иккинчи фавжи
Баронғор
**ҚУЛ**

### ҚИРҚ МИНГ ОТЛИҚДАН ОРТИҚ СИПОҲ ФАВЖЛАРИНИ САФГА ТУЗИШ ТУЗУГИ

Шундай тузук битдимки, агар ғаним лашкари қирқ минг отлиқдан ортиқ бўлса, беглaрбегилар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодирлар ва бошқа сипоҳийлар менинг зафарли байроғим остида бўлсин ва амру фармонимни кутсин.

**109.**

Амр этдимки, қайси бир сипоҳий фавж амирига ёрлиғ юборсам, ёрлиғдаги ҳукмимга биноан иш тутсинлар ва унга хилоф иш қилмасинлар. Беглaрбегилардан ёки амирлардан биронтаси ҳукмимга хилоф иш тутиб, ундан четга чиқса, уни қиличдан ўтказиб, ўрнига «мунтазир ал-аморат»[1] ҳисобланган ўринбосарини қўйсинлар.

Ва (яна) амр қилдимки, улусот, қўшинот, туманотга тегишли қирқ уймоқ[2]дан тамғо олган ўн иккитаси қирқ фавжга тақсим қилинсин. Тамға олмаган йигирма саккиз аймоқ амирлари эса (ўз лашкарлари билан бирга) қўл сипоҳий фавжининг орқасида саф тизсинлар. Ўғилларим, набираларим ўз фавжлари билан қўл фавжининг олдида ўнг қанотдан саф тизсинлар. Қариндошларим ва яқинларим эса ўз фавжлари билан қўл фавжининг олдироғида чап қанотдан жой эгалласинлар. Булар тарҳ[3] бўлиб турсинлар ва қаерга мадад етказиш лозим бўлса, ёрдам берадилар.

Баронғорга олти сипоҳий фавж тайинлансин. Яна бир сипоҳий фавжни эса баронғор ҳировули сифатида белгиласинлар. Шунга ўхшаш, жавонғорда олтита фавждан саф тузсинлар. Яна бир фавжни бўлса, жавонғор ҳировули қилиб қўйсинлар.

Амр этдимки, баронғор фавжларининг олдидан олтита сипоҳий фавж жойлаштирсинлар ва уларни чоповул деб номласинлар; бошқа бир фавжини тузиб, уни чоповулнинг ҳировули қилиб тайинласинлар. Шунингдек, жавонғор фавжларининг олдига қўйиш учун ҳам олтита сипоҳий фавж тайинласинлар ва уларни шиқовул деб атасинлар. Яна бир фавж тузиб, уни шиқолув ҳировули қилиб қўйсинлар. Чоповул ҳамда шиқовул фавжларининг олдига тажрибали амирлар ва синалган баҳодирлар бошчилигида олтита фавждан саф тузиб, катта ҳировул қилиб белгиласинлар. Бу олти фавждан бўлак яна бир фавж тузиб, уни ҳировулнинг олдига қўйсинлар ва ҳировулнинг ҳировули деб номласинлар. (Лашкарнинг олд қисмида) ҳировул ҳировулининг ўнг ва сўл қанотига икки қоровулбегини барча биродарларимдан иборат сипоҳий фавжлари билан бирга қўйсинларким, улар ғаним лашкарини кузатиб турсинлар.

[1] **Мунтазир ал-аморат** — амирлик мартабасига лойиқ шахс; амир ўринбосарининг Фахрли лақаби.
[2] **Уймоқ** — аймоқ, қабила, халқ.
[3] **Тарҳ** — қурилажак бинонинг режаси. Бу ерда баронғорнинг сафига резерв қисм маъносида.

**110.**

*«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига*



## «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ» танловига



«Оҳ қандай ажойиб куй экан...»

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

*• Мулоҳаза*

## ЎРТОҚЛИК СУДИНИНГ НУФУЗИ ОШСИН

**Кейинги пайтда маҳалла қўмиталарига эътибор кучаймоқда Ҳақиқатан ҳам маҳалла жамиятни бошқаришнинг қуйи ҳамда энг зарур бўғини. Шу боис уни доимо такомиллаштириб бориш керак.**

**Бизнинг маҳалла чинакам оммавий-сиёсий ишлар марказига айланган. Жамоатчилик асосида тарғиботчилар сайлаганмиз. Ёшларимиз участка милиционери раҳбарлигида тунда кўчаларимизда навбатчилик қилишаяпти. Шу боис маҳалламиз ҳудудида 1992 йилда, шу йилнинг ўтган даврида бирорта жиноят ёки кўнгилсизлик рўй бермади.**

**Маҳалла ўртоқлик суди уч кишидан иборат. Қўмита раиси Аъзам Нурмуҳаммедов, қўмита аъзолари М. Бурхонова, П. Латипова, Г. Абдусаидовалар бизга яқиндан ёрдам бериб туришади. Қўлимизга тушаётган шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқамиз, оилавий жанжалларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Бу борада ўртоқлик суди аъзоси, собиқ судья Самад Назаровнинг тажрибасига таянамиз.**

**Менимча, ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда ўртоқлик судлари ҳақидаги Низомни қайта кўриб чиқиш керак. Ўртоқлик судлари бевосита маҳалла қўмиталари ихтиёрига ўтказилиб, унга айрим гражданлик ишларини кўриш ҳуқуқи ҳам берилса яхши бўларди. Дарвоқе, ўртоқлик судлари жаримаси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки бу жариманинг энг кўп миқдори илгари 50 сўм қилиб белгиланган. Бундан ташқари лоақал вилоятда ўртоқлик судлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи кенгаш бўлиши зарур.**

**Рашид ҲАМИДОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги Девори кўндаланг маҳалла ўртоқлик судининг раиси.**

Ўзбекистон овози
ХАРЧИНОМА

«ГАЗ-24» ЕНГИЛ МАШИНАСИНИНГ ОЛДИ ҚАНОТЛАРИ
«ЗИЛ-130» ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ДВИГАТЕЛЬ ВА АГРЕГАТЛАР
СОТИЛАДИ!
ТАЪМИРЛАНАДИ!

Асака шаҳридаги «Ўзавтосозлаш» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 6-автосозлаш заводи ташкилот, корхона ва аҳолига «ГАЗ-24» автомобилининг олди қанотлари ҳамда «ТАС-32», «2УПС-10» «ТМЗ-879» маркали ағдарма прицепларини чекланмаган миқдорда сотади.

Шунингдек, корхона «ЗИЛ-130» автомобилларини келишилган нархда сотиб олувчилардан буюртма олишга тайёр.

Айни пайтда корхона барча турдаги «ЗИЛ» автомашиналари, двигатель ва агрегатларини тўлиқ таъмирлашга қабул қилади.

Манзилимиз: Асака шаҳри, Фарғона кўчаси, 57. 6-автосозлаш корхонаси.

Телефонлар: 2-26-46, 2-23-77.



ҚУЙИДАГИ ЯНГИ АВТОМАШИНАЛАР СОТИЛАДИ:

РАФ — (маршрут таксилари) ва ГАЗ—31029 «Волга»

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкентдаги 33-77-49, 33-21-18.
Андижондаги 54-377



РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОПШИРУВЧИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

«Вторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1993 йил 1 апрелдан бошлаб рангли металлар парчалари ва чиқиндиларининг ҳар тоннаси учун ўртача тайёрлов нархи қуйидагича белгиланганлигини маълум қилади:

| | |
|---|---|
| мис | 86300 сўм |
| латун | 75100 сўм |
| бронза | 123500 сўм |
| алюмин | 54400 сўм |
| қўрғошин | 58700 сўм |
| рух | 25200 сўм |
| никель | 136800 сўм |

Маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 55-44-08, 55-36-69.

ТАШКИЛОТ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ШЛАКОБЛОКЛАРНИ
СОТАДИ.

Ҳақ тўлаш исталган усулда.
Алоқа учун телефон: 48-36-62.

Собир Раҳимов районидаги «НУР» ёшлар маркази
ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Соғбон кўчаси, 365-уй.

*• Халқ табобати*

# ҚАҲҲОР ТАБИБНИНГ МУОЛАЖА УСУЛЛАРИ

**Қумқўрғонда Хушбоқов Қаҳҳор деган табиб бор. Уруш тугаган йили туғилган. «Ёш ғайрат» деган қишлоқда яшайди. Донғи кетган бир хўжаликда бош муҳандислик қиларди. Кўпни оғзига қарата билган. Гапга ҳам, ишга ҳам моҳир.**

БУНДАН тўрт йил муқаддам Хушбоқов ҳаммасидан: касб-коридан, лавозимидан, бинойидай маош-у даромадидан воз кечди. Тоққа қараб жўнади. Ўт-ўланлар териб келди. Малҳам тайёрлай бошлади. Табиблик қиламан, деди. Бу гапга биров ишонди, биров... кулди.

Оёғи куйган одам сувга чопар, дейдилар. Элчиликда, Қаҳҳор табибдан нажот излаб келганлар шифо топа бошладилар. Халқ табобатчилиги идоралари Хушбоқовни эътироф қилди. Маҳаллий рўзномалар у ҳақда ёзишди.

Хушбоқовни мен анчадан бери биламан. Муҳандислигида мақола ёзиб беринг, десам, одамларга айтадиган гапим йўқ, бунинг устига қаламга қўлим эплашмайди, деб қўярди. Табибликни бўлса Хушбоқов, айтиш мумкинки, мақола ёзишни машқ қилишдан бошлади. Бир вақтлар аскарликдаги инисига бир энлик хат ёзишга қўли бормаган одам йигирма тўрт варақли дафтарни тўлдириб мақола ёзди.

— Яширмайман. Бундан мақсад иккита эди, — дейди табиб. — Биринчидан, ўзимни таништириб, ташвиқот қилиш (бунинг нимаси ёмон). Иккинчидан, одамларга айтадиган гаплар кўпайиб қолгани. Билмас эканман, қаламни юракнинг гапи, юракнинг дарди тебратар экан.

Қаҳҳор табибнинг муолажа усуллари жуда қизиқ, Ўт-ўландан шарбат тайёрлайди. (Буни чуқурлаштириб суриштирманг. Барибир айтмайди. Сир сақлайди). Даволаш муддатларини айтади. Парҳез тайинлайди. Руҳий касалликдан бўлак кўп хасталикларни менинг усулим билан даволаш мумкин, дейди. Ва айни пайтда мен фалон хасталикни тўлиқ тузатиб юбораман, деб мақтанмайди. Дардга чалиниш ҳам, дарддан форiғ бўлиш ҳам ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ, — дейди табиб.

У тайёрлаган малҳамнинг хосияти нимада, дерсиз.

— Малҳам қонни тозалайди. Қон томирларидаги холестиринни, тўқималарда чўккан тузни ювади. Қоннинг равон оқишини таъминлайди, — дейди Қаҳҳор табиб. — Бизда кўп учрайдиган кам қонлилик касаллиги ҳақида тўхталсам: кам қонли одамни унга қон қуйиш билан ёки унга оқсилли хўракни кўпроқ бериш билан муолажа қилинганда эди, эҳтимол бу хасталикдан бугунги кунда ном-нишон ҳам қолмаган бўлармиди. Бу дардни даволаш учун ичакларнинг овқат қувватини қонга сингдириш қобилиятини оширмоқ керак. Бу қобилият ҳадеб тўйимли овқат истеъмол қилишдан эмас, парҳез сақлашдан, ярим оч юришдан, қўйнинг гўшти ўрнига мева-сабзавот ейишдан, пировардида ичак тўқималаридаги чўкинди (туз) қатламининг парчаланишидан ошади.

Кўз нури ҳақида, бурундаги аллергик ринит, ангина, бавосил, кўксов (астма) ва ҳатто бепуштлик ҳақида ҳам гапимни шу йўсинда такрорлайман.

Малҳамнинг яна бир хосияти: буйракдаги, ўт халтасидаги тошларни парчалайди. Табиб халқ табобати усулида бу аъзолардаги тошни туширади.

Гапдан гап чиқиб, мен Хушбоқовдан ракни даволаса бўлармикан, деб сўрадим.

У кўрсаткич бармоғини икки қоши ўртасига яқинлаштириб, «бир минут» деди-да, ўрнидан турди. Ҳозиргина қабулидан чиққан, қошлари қуюқ, тўладан келган, бир оёғини судраброқ босадиган йигитни бошлаб ичкарига кирди.

— Бу киши Раҳмонов Умид. Бойсуннинг Пулҳоким қишлоғидан. Рак ҳақидаги саволингизга шу одам жавоб айтсин, — деди табиб.

— Мен Бойсун район поликлиникаси бош врачининг шофёриман, — деди Умидбой стулга шошилмасдан ўтириб олгач, сўз бошлаб.— Қудратбойнинг (каттамизнинг) онаси Баҳор момони дўхтирлар қизилўнгачдан рак бўлган, дейишди. Ҳатто Тошкентнинг дўхтирлари ҳам уни уйга қайтариб юборишди. Сўнг биз шу кишидан (табибни кўрсатиб) сув элитдик. Бугун мана юз эллик чақиримдан келиб саккизинчи марта сув олиб кетишим. Баҳор момо тўшакда михланиб қолганди денг. Тузалди. Наврўз куни момони бир хешимизникига тўйга олиб бордим. Етмишга кирган момо, ишонсангиз, рақсга тушиб кетсалар бўладими-а...

— Кўп ошириб юборманг, Раҳмонов, — деди Қаҳҳор табиб кулиб, — Момонинг илон гўштини тановул қилганини яширманг. Тузалиб кетишига менинг сувимдан ҳам кўра ўша нарса сабаб бўлган.

— Хорошо, — деди Умидбой жиддий тортиб. — Лекин менинг бошимнинг яраси (псариаз) илон гўшти емасам ҳам тузаляпти-ку. Ҳали Москов, ҳали Киев деб чопмаган жойим қолмовди. Бу сиз тайёрлаган сувнинг хосияти. Бу гапни мен оширмайман ҳам, тоширмайман ҳам, баралла иқрор бўлиб айтаман.

— Барибир ракни даволайман деб зинҳор мақтанмайман. Лекин бир нарсага аминман: қон томири, қони мусаффо одамга рак, қанд, қон босими деган касалликлар доримайди ҳам.

Яна эшик очилди. Остонадан ёшроқ йигит мўралади. Хушбоқов яна ўрнидан туриб кетди.

— Э, бугун бизнинг энг зўр мижозларимиз келадиган кун экан-да, — деди у йигитни ичкарига таклиф қилиб. — Бу киши Хуррамов Абдулла. Қизириқ районидан. Ўт халтасида учга тўрт (эни уч, узунлиги тўрт сантиметрлик) тош бор эди. Саккиз ой муолажадан сўнг тош 1,7х1 га кичрайди. Рентген тасвирлари бор.

Тошдан операциясиз қутулдим, — дейди Абдулла табибдан умр бўйи қарздорлигини айтиб.

Хайрлашаётиб Хушбоқов гап қотди:

— Бандаси қаноатли бўлмоғи лозим, — деди у сокин оҳангда. — Қаноат даражаси унда аввало меъёрида овқатланиш, нафсни тия билишда намоён бўлади. Шуни уддалаган одам яратганнинг ҳидоятларидан бенасиб қолмас. Сиҳат-саломатлигига ҳар ким ўзи посбон. Тану жонига ҳар ким ўзи табиб, ўзи ҳаким, ўзи соҳиб. Хасталик кишининг яшашга уқувсизлигидан нишона.

Хушбоқов ҳақида яна икки оғиз сўз: ҳар ёзда қирқ кун фақат мева-сабзавот тановвул қилиб, рўза тутади. Ҳар ойда олти кун рўза ушлайди. Оиласи билан енгил овқатланишга ўрганишган. Рўзғорда ҳеч ким овозини кўтариб гапирмайди. Табиб-у ҳакимларга эҳтиёжмандлик йўқ.

Бугуннинг ҳаловатидан тўйиниб, эртанги кунни соғиниб яшайди бу хонадон.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ
Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79;
Нукусда — 2-42-62;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.
Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

• Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
• Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
• Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
• Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 23.00.
Г—168. № 70.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.
1 2 3 4 5 6